

Davronbek T. BOBONAZAROV,
*Basic Doctoral Student International
Islamic Academy of Uzbekistan.
11, A.Kadiri, Tashkent,
100011, Uzbekistan.
E-mail: Bobonazarov.d.94@gmail.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/12

**“НАСБ АР-РОЯ” АСАРИНИНГ ҲАДИС
МАНБАЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ
ВА АҲАМИЯТИ**

**THE PLACE AND SIGNIFICANCE OF THE
WORK “NASB AR-RAYA” AMONG THE
SOURCES OF HADITH**

**МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ РАБОТЫ “НАСБ
АР-РАЯ” СРЕДИ ИСТОЧНИКОВ
ХАДИСОВ**

КИРИШ

Ҳадис илми ҳижрий II (мил. VIII) асрда аста-секин камол топиб борди ва у билан боғлиқ турли йўналишлар юзага келди. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ривожланишда давом этди. Учинчи асрдан тўртинчи асрнинг ярмига қадар ҳадис усули соҳасида асарлар ёзилиб, уларда ҳадис истилоҳлари билан боғлиқ маълумотлар тўпланди. Бу давр ҳадис илмларининг ҳам дирият ҳам ривоят йўллари ўзининг чўққисига етган палла ҳисобланади.

Ҳижрий IV аср ўрталарига келиб ҳадис истилоҳлари алоҳида китобларда тўплана бошлади. Ҳадис усулининг асосий манбалари шу даврда ёзилган. Ушбу соҳада илк таълиф этилган манба Ромаҳурмузийнинг (ваф. 360/970) “ал-Муҳаддис ал-фосил байна ар-ровий ва ал-воий” номли асаридир. Ҳижрий VII асрдан X асрга қадар ҳадис истилоҳлари учун янада аниқ таърифлар ёзила бошланди. X асрдан XIV асрга қадар эса, ҳадис илмларининг ривожланиши тўхтаб қолди. Бироқ бу даврда олдинги асрларда ёзилган асарларга шарҳ, хошия ва мухтасар тарзда ёзилган китоблар вужудга келганини айтиш лозим. XIV аср бошларидан эса ҳадис илмларига бўлган қизиқиш яна ортиб, бу илм янгидан уйғона бошлади. Бу уйғонишда мусулмонларнинг Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатларига амал қилиш истагининг ортиши асосий омил бўлди.

Зайлаий яшаган давр ҳижрий VII асрнинг охири VIII асрнинг иккинчи ярми бошларига тўғри келади. Бу даврда ҳадис, фикҳ, калом ва ақоид каби ислом илмлари ўзининг чўққисига чиққан эди. Бу даврда мадрасалар қошида ёки мустақил ўларок ташкил этилган “дорул ҳадис”лар ҳадис илмлари ўрганиладиган марказлар бўлган.

“Дорул ҳадис”лар VI асрнинг энг муҳим таълим ва тарбия маскани вазифасини бажарар эди. “Дорул ҳадис”ларнинг бу хусусияти кейинги асрларда ҳам давом этган. Маълумки, бу ерларда ҳадис ўргатиш билан бир қаторда, сарф, нахв, тафсир ва фикҳ каби фанлар ҳам ўқитилган.

“Дорул ҳадис”ларда дарс берган бу даврнинг катта уламоларидан қуйидаги муҳаддисларни келтириш мумкин: муҳаддис Носириддин Муҳаммад ибн Туғрул Сайрофий (ваф. 737/1336), Қози Тақиюддин Субкий (ваф. 756/1355), Шамсиддин Заҳабий (ваф. 748/1347), “Нурия” дорул ҳадиси устозларидан Ҳофиз Жамолиддин Миззий (ваф. 742/1341), муҳаддис ва фақиҳ Қози Иззуддин Мақдисий (ваф. 731/1330), Фаҳриддин Усмон ибн Иброҳим Туркманий (ваф. 731/1330), “Зоҳирия” мадрасаси шайхул ҳадиси Шайх Нажмиддин Қобоний Ҳамавий (ваф. 734/1333), Ҳофиз Қутбиддин Абдулкарим ибн Абдиннур Ҳалабий Мисрий (ваф. 735/1334), “Нававий” дорул ҳадисида устозлик қилган Алоуддин Али ибн Иброҳим ибн Довуд ибн Сулаймон ибн Аттор (ваф. 724/1323), Ибн Салоҳдан ҳадис ривоят қилган энг сўнгги ровий Шайх Муҳаммад ибн Амр ибн Усмон Дамашкий (ваф. 725/1324), “Мустансирия” дорул ҳадисида устозлик қилган Шайх Солиҳ Афифуддин ибн Абдулмуҳсин ибн Абдулхусайн Бағдодий (ваф. 728/1327), муҳаддис ва фақиҳ Имодуддин Мақдисий Ҳанбалий (ваф. 744/1343), Мисрдаги “Музаффария” мадрасасида ҳадисдан дарс берган шайх, ҳофиз Алоуддин Муғолтой Мисрий (ваф. 762/1360) ва бошқалар.

Юзлаб дорул ҳадислар бўлган ва бу муасасаларда ҳадис илми жадал олиб борилган бир даврда улғайган Зайлаий улкан муҳаддис бўлиб етишди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Муҳаммад Зайлаий Ҳанафий Мисрий ҳижрий VIII милодий XIV асрнинг биринчи чорагида ҳозирги Сомали давлатининг Зайлаъ шаҳрида туғилган. У кейинчалик Мисрда яшаб

Аннотация. Мақолада муҳаддис Жамолиддин Зайлайнинг ҳаёти, илмий фаолияти, устозлари, шунингдек, унинг асарлари таҳлил қилинган.

Шунингдек мақолада “Насб ар-роя” асарининг мавзуси, ёзилиш услуби, бошқа асарлардан устунлик жиҳатлари очиб берилган ҳамда унинг ҳадис илмида тутган ўрни ва уламоларнинг эътирофлари баён этилган.

“Насб ар-роя” машҳур фикҳий манба “ал-Ҳидоя” да келган ҳадисларини ўрганишга бағишланган таҳриж асардир. Таҳриж илми ҳадис санади ва матни билан боғлиқ, Қуръон ва суннатга хизмат қилувчи муҳим илмлардан бири бўлиб, у орқали ҳадиснинг ҳадис манбаларидаги ўрни, ровийлари, ривоят йўллари ва унга тааллуқли бошқа масалалар ўрганилади. Таҳриж илмининг энг муҳим жиҳати талаба ёки тадқиқотчи у орқали ҳадиснинг асл манбасига энг яқин ва осон йўл билан етади, шунингдек, ҳадиснинг саҳиҳ ёки заифлик кайфиятидан ҳам тезда хабардор бўлади.

Зайлайнинг ушбу асари “ал-Ҳидоя” ҳадисларига ёзилган таҳриж асарлар орасида энг яхшиси, энг фойдалиси ва кенг қамровлисидир. Муаллиф асарда ҳадисларнинг ривоят йўллари ва уларнинг ҳадис тўпламларидаги ўринларини баён қилган. Шунингдек, олим жарҳ ва таъдил имомларининг ровийлар ҳақларидаги сўзларини гўзал бир шаклда келтирган. “Насб ар-роя” асари ҳанафий мазҳабининг илм хазиналаридан биридир. Шунингдек, асар бошқа мазҳаблар учун ҳам қадрли манба ҳисобланиб, улар ҳам кенг миқёсда фойдаланишади. Чунки Зайлайнинг ижодига хос хусусият шундаки, унинг асарида нафақат ҳанафий, балки бошқа мазҳабларнинг мавзуга оид далиллари ҳам қамраб олинган. Шу жиҳатдан, “Насб ар-роя” асари барча ислом уламолари тарафидан юксак эътирофга сазовор бўлган.

Калит сўзлар: ҳадис, таҳриж, ҳанафий, “Насб ар-роя”, “ал-Ҳидоя”, жарҳ, таъдил, зайл, фикҳист.

Abstract. The article provides information about muhaddith Jamaluddin Zailai's life, learning, teachers, and scientific heritage.

The discussion part of the article reveals the theme, style of writing, the advantages of the work “Nasb al-Raya” over other books. It describes the scientific work performed on it and the recognition of scientists.

“Nasb al-Raya” is a takhrij work devoted to the study of the hadiths of the well-known legal source “al-Hidayah”. The science of takhrij is one of the important sciences related to the sanad (chain of narrators) and text of the hadith, which serves the Qur'an and the Sunnah, through which the place of the hadith in the sources of the hadith, the narrators, the ways of narration and other relevant issues are studied. The most important aspect of takhrij science is that through it, the student or researcher reaches the closest and easiest way to the original source of the hadith, and also quickly becomes aware of whether the hadith is authentic or weak.

This work of Zaiylai is the best, most useful, and comprehensive of the exegesis written in “al-Hidayah”. In the work, the author described the ways of narrating hadiths and their place in the collections of hadiths. The scholar also cited the words of the imams of jarh and ta'dil about the rights of transmitters. The work “Nasb al-Raya” is one of the treasures of knowledge of the Hanafi school. In addition, the work is considered a valuable resource for other sects and is widely used by them. Because the unique feature of Zailai's work is that not only Hanafi but also arguments from all schools of thought are included in his work. In this regard, “Nasb al-Raya” was highly appreciated by all Islamic scholars.

Keywords: Hadith, takhrij, hanafi, Nasb al-Raya, al-Hidayah, jarh, ta'dil, zayl, fihrist.

Аннотация. В статье анализируется жизнь Джамалуддина Зайлай, его научная деятельность, наставники, его труды.

В статье раскрывается тема произведения «Насб ар-Ройя», стиль написания, преимущества перед другими произведениями, описывается его роль в науке о хадисах и признание ученых.

«Насб ар-Ройя» – это труд по тахриджу, посвященный изучению хадисов, содержащихся в известном источнике по фикху «Аль-Хидая». Наука о тахридже является одной из важных наук, связанных с количеством и текстом хадисов, которая служит Корану и Сунне, посредством которой выясняются и изучаются: место хадисов в их источниках, передатчики, пути повествования и другие соответствующие вопросы. Важнейшим аспектом науки тахридж является то, что через нее учащийся или исследователь достигает наиболее близкого и легкого пути к первоисточнику хадиса, а также быстро осознает достоверность или слабое наклонение хадиса.

Эта работа Зайлай является лучшей, наиболее полезной и всеобъемлющей среди работ по тахриджу, написанных на хадисах «Аль-Хидая». В работе автор описал способы повествования хадисов и их место в сборниках хадисов. Также ученый привел в красивой форме слова имамов дискредитации и рекомендации о передатчиков. Произведение «Насб ар-Ройя» является одной из сокровищниц знаний ханафитской школы. Кроме того, это произведение считается ценным источником для других мазхабов, и они также широко его используют. Потому что уникальной особенностью произведения Зайлая является то, что оно включает в себя не только ханафитские, но и другие доводы других мазхабов по этому вопросу. В этом отношении труд «Насб ар-Ройя» получил высокую оценку всех исламских ученых.

Ключевые слова: Хадис, тахридж, ханафий, Насб ар-роя, аль-Хидая, джарх, таъдил, зайл, фикхист.

кўплаб устозлардан фикҳ ва ҳадис илмларини чуқур ўрганган, тариқат йўлини тутган мутасаввиф уламолардан бўлган. Зайлаий ҳадислар таҳрижидеги аниқлик ва уларнинг фикҳий далилларини баён қилишдаги ҳолисиги билан машҳур бўлган.

Зайлаий фикҳни асосан ханафий фикҳидаги энг нуфузли матнлардан бири “Канз ад-дақоик” асарига шарҳ ёзган фақиҳ уламо Имом Фаҳриддин Усмон ибн Али Зайлаий (ваф. 743/1343)дан ўрганган. Ҳадисларни Абдуллатиф Ҳарроний (ваф. 672/1273)нинг бир гуруҳ шогирдларидан ва яна “Фақиҳул Қоҳира ва Искандария” лақабини олган Шихоб Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қайс Ансорий (ваф. 749/1348), “Шайхуш Шофеий” Шамс Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Адлан (ваф. 749/1348), Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Бурий Искандарий (ваф. 767/1365) каби муҳаддислардан эшитган.

Шунингдек, ўз даврида “муҳаддислар устози” бўлган Имом Абул Ҳажжож Миззий (ваф. 742/1342), Имом Шамсиддин Заҳабий (ваф. 747/1347) ва яна ханафий мазҳаби усулчи, фақиҳ олими, шунингдек, тафсир, ҳадис ва луғат илмларида ҳам моҳир билимдон Имом Алоуддин Мардиний (Ибн Туркманий) (ваф. 750/1349) каби муҳаддис уламолардан ҳам таълим олиб, ҳадис илмидаги билимларини ўстирган. Бу ҳақда Тақиюддин Абу Бақр Тамимий ўзининг “ат-Табақот ас-сания” асарида шундай деган: “У илм ўрганиш билан машғул бўлиб, кўплаб фазилатларга эга бўлган муҳаддислардан ҳадис эшитган. “Канз ад-дақоик” асарини шарҳлаган Фаҳриддин Зайлаий, қози Аловуддин Туркманий ва бошқалар қўлида илм ўрганиб, то “ал-Ҳидоя” ва “ал-Кашшоф”нинг ҳадисларини таҳриж қилгунича ҳадис китоблари мутолаасини ўзига лозим тутди”. (Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлаий, 1997)

Юқоридаги маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, Зайлаий ўзи ном таратган таҳриж илмида етук мутахассис бўлиш йўлида бир қанча фақиҳ ва муҳаддислардан таълим олган.

Афсуски, Имом Зайлаий узоқ умр кўрмаган. Тахминан 40 ёшлар атрофида (ваф. 762/1360) Қоҳирада вафот этган.

Муҳаддисдан қолган илмий мерос “ал-Исбаф битаҳрижи аҳадиси ал-Кашшоф”, “Мухтасару маоний ал-осор ли ат-Таҳовий” ва “Насб ар-роя ли аҳадиси ал-Ҳидоя” каби асарлардир. Олимнинг асарлари сони кўп бўлмаганига баъзи омиллар сабаб қилиб кўрсатилади. Бунга биринчидан, олимнинг умри қисқа бўлгани, иккинчидан эса, ёзаётган асарига чуқур ёндашиб, унга кўп вақт ажратгандир.

МУҲОКАМА

Имом Зайлаийнинг “Насб ар-роя” асари Имом Бурҳониддин Марғиноний (ваф. 593/1196) “ал-Ҳидоя”да келтирган ҳадисларнинг ривоят йўллари ва уларнинг ҳадис тўпламларидаги ўринларини баён қилган. Шунингдек, у жарҳ ва таъдил имомларининг ровийлар ҳақларидаги сўзларини гўзал бир шаклда келтирган.

“Насб ар-роя” асари ханафий мазҳабининг илм хазиналаридан биридир. Шунингдек, асар бошқа мазҳаблар учун ҳам муҳим манба ҳисобланиб, кенг миқёсда фойдаланилади. Чунки Зайлаийнинг ижодига хос хусусият шундаки, унинг асарида нафақат ханафий, балки, барча мазҳабларнинг мавзуга оид далиллари ҳам қамраб олинган. Шу жиҳатдан, “Насб ар-роя” асари барча ислом уламолари тарафидан юксак эътирофга сазовор бўлган. Дарҳақиқат, асар ханафий мазҳаби далилларини ёритиб беришдан ҳам кўра, аввало Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадислари учун қилинган улкан бир хизмат ҳисобланади.

“Насб ар-роя” ўз доирасида маълумотларга бой ҳамда ислом илмларининг барча соҳа вакиллари мурожаат қиладиган асардир. Унга берилган таърифларнинг энг ажойибини шофеий мазҳаби пешқадам уламоларидан бири Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1449) айтган. Жумладан, Тамимий ўзининг “Табақот” асарида Ибн Адимнинг гапини келтиради: “Шайхул ислом, ўз даврининг ҳофиз муҳаддиси Шихобиддин Абул Фазл Аҳмад ибн Ҳажар Асқалонийнинг ўз қўли билан ёзган хатида шундай дейилганига гувоҳ бўлдим: «[Ҳофиз Зайлаий] “Ал-Ҳидоя” ҳадислари таҳрижини ёзган ва унда соҳибни Ҳидоя “Асл” (яъни, Мабсут)даги ҳадис ва осорлардан зикр қилганларини қамраб олиб, уларнинг баъзиларига фикр билдириб ўтган. Ҳар бир бобда муҳолифларнинг далилларини ҳам келтиришга ҳаракат қилиб, бунда адолат билан иш юритган. Натижада кўпчиликнинг унга бўлган қизиқиши ортди» (Абдулмуҳдий Абдулқодир Абдулҳодий, 2012). Ушбу таърифдан асар ҳақидаги етарлича тасаввурни ҳосил қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда Британияда истиқомат қилувчи исломшунос олим Мавлоно Юсуф Шаббир ушбу асар ҳақида шундай дейди: “Ханафий муҳаддис Ҳофиз Зайлаий томонидан ёзилган “Насб ар-роя” ҳадис илмига қизиққан ҳар бир киши учун ўқилиши шарт бўлган нодир асардир. Шайхимиз Юнус Жонпури бу асарни тавсия қилиб, буюк ҳадис илми устози Ҳофиз Ибн Ҳажар

хам бу асарга ҳурмат билан қараганини айтади”. Шунингдек, у яна Ҳиндистоннинг “Дор ул-илм Девбанд” мадрасаси улуғ муфтийси Маҳмуд Ҳасан Гангуҳий (ваф. 1417/1996) фикҳ билан танишиш учун тўрт китобни тавсия қилгани ва уларнинг орасида “Насб ар-роя” ҳам борлигини ёзади. Бундан маълум бўладики, ушбу асар нафақат муҳаддислар, балки, фақиҳлар томонидан ҳам ўқилиши лозим бўлган асарлар қаторига киради.

Бундан ташқари, “Насб ар-роя” таҳриж илмида бирор асар ёзмоқчи бўлганлар учун ҳам мукамал намуна вазифасини ўтаган. Бу ҳақида аллома Муҳаммад Зоҳид Кавсарий (ваф. 1371/1952) “Ҳошиялар” асарининг “Ибн Фаҳдининг ҳошияси” қисмида шундай дейди: “Зайлайининг таҳрижидан Ибн Ҳажар ўзи учун кўп фойдаланган” (Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлай, 1997). Шайх Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1886) “Фавоид ал-баҳия” асарида айтади: “Зайлайидан кейин келган “ал-Ҳидоя” шорихларининг барчаси унинг таҳрижидан фойдаланган, ҳатто, Ҳофиз Ибн Ҳажар ўзининг таҳрижларида, жумладан, Рофийининг “Шарҳ ал-важиз” ҳадислари таҳрижида ундан жуда кўп фойдаланган” (Абдулҳай Лакнавий, 1906). Зайлай таассубга берилмасдан ўзининг илмга бўлган садоқатини кўрсатган. Бу орқали у ҳадис илмида улкан хизматни амалга оширган. Жумладан, келтирилган далилларнинг санадларини, улардаги ровийларнинг жарҳ ва таъдиллини чуқур ўрганиб, далилларнинг саҳиҳлик ва заифлик даражаларини аниқлаб берган. Қисқача айтганда, “Фикҳул ҳадис”ни ривожлантирган. Ҳадисларни мўътабар манбалардан таҳриж қиларкан, уларга усул қоидалари доирасида баҳо берган. Ҳам матн, ҳам санад бўйича тадқиқот олиб бориб, ровийларнинг заифлиги ва ишончли эканини, жарҳ ва таъдиллини ўзининг таъбири билан амалга оширган.

Зайлайининг асарида кўплаб рижол ва ҳадис китобларида бўлмаган бир хусусият бор бўлиб, у ровийларга оид насаб, куня, нисбат ва ҳоказоларнинг зикр этилишидир. Ундан олдин ёзилган асарлар, Абу Аввона (ваф. 316/928), Ибн Ҳузайма (ваф. 311/923), Ибн Ҳиббон (ваф. 354/965)ларнинг “Саҳиҳ”ларида, Ибн Абу Шайба (ваф. 235/850) ва Абдураззоқ (Ибн Ҳумом) (ваф. 211/826)ларнинг “Мусаннаф”ларида, шунингдек, бир қанча муснад, сунав ва мўъжамларда, Ибн Абдулбар (ваф. 463/1070)нинг “ат-Тамҳид” ва “ал-Истизкор”ида, Байҳақий (ваф. 458/1065)нинг “ал-Хилофиёт” ва “Китаб ал-маърифат”ида,

Ибн Ади (ваф. 365/976) ва Ибн Абу Хотим (ваф. 327/939) ларнинг асарларида, Тақиюддин ибн Дақиқил Ийд (ваф. 702/1302)нинг “ал-Имом” ва “ал-Илмом”ида, Ибнул Жавзий (ваф. 597/1201)нинг “Жомеъ ал-масонид”, “Илал ал-мутанаҳия” ва “Китаб ат-тахқиқ” каби китобларида, Ибн Ҳажар (ваф. 852/1448)нинг “ад-Дироя”сида, Қосим ибн Қутлубуға (ваф. 879/1474)нинг “Насб ар-роя”га ёзган зайли “Муняту ал-Алмаий”ларида юқоридаги хусусиятлар (ровийларнинг насаби, куняси, нисбати) учрамайди.

“Насб ар-роя”да жарҳ ва таъдилга оид шу илмнинг мутахассисларидан ривоят қилинган нақллар келади. Агар улар алоҳида китоб ҳолида жамланса, бу мавзуда катта бир китоб бўлади.

Китобнинг кенг қамровли экани уни “ал-Ҳидоя”га ёзилган бошқа шарҳлардан афзал қилгандир. “Насб ар-роя”дан олдин ҳам “ал-Ҳидоя”нинг ҳадислари таҳриж қилинган эди. Абул Аббос Саружий (ваф. 710/1310)нинг “ал-Ғоя фи шарҳи ал-Ҳидоя”, Абу Ҳафс Ҳиндий (ваф. 773/1371)нинг “Тавшиҳу ал-Ҳидоя” ва Абдулқодир Қураший (ваф. 775/1373)нинг “ал-Иноя фи таҳрижи аҳадиси ал-Ҳидоя” каби асарлари шулар жумласидандир (Қосим Ибн Қутлубуға, 1950).

Зайлай асарни ёзиш мобайнида ўзи эргашадиган ҳанафий мазҳабининг далилларини келтиришга кўпроқ эътибор қаратган. Бироқ, шу билан бирга, қолган мазҳабларнинг далилларини ҳам четда қолдирмаган. Ихтилофли ҳадисларни келтириш унинг илми қанчалик кенглигини, илмий жараёнда нафс истакларига эргашмаслигини кўрсатади. Зотан, мазҳаб мутаассиблиги кишини заиф далилни қувватли, қувватлисини эса, заиф қилишга ундайди. Зайлай эса, бундай адолатсизликларга йўл қўймаган.

Кўплаб олимлар асарларида ўз мазҳабларини ҳимоя қилиб чиқишади, масалан, Ибн Абдулбар (ваф. 463/1071) “ал-Истизкор” ва “ат-Тамҳид” асарларида моликий мазҳабини, Имом Байҳақий (ваф. 458/1066) “ас-Сунан ал-кубро”да ва Ибн Дақиқил Ийд “ал-Имом” ва “ал-Илмом” асарларида шофеий мазҳабини, Ибн Ҳади (ваф. 744/1343) эса “Танқиҳ ат-тахқиқ” асарида ҳанбалий мазҳабини ҳимоя қилгани каби. Зайлай эса, ҳам ҳанафий мазҳаби, ҳам қолган мазҳаб далилларини келтирган (Зоҳид Кавсарий, 1949).

Имом Зайлай асарни ёзиш жараёнида қуйидаги ишларни амалга оширган:

– “ал-Ҳидоя” ҳадисларининг барчасини – марфуъ, марфуъ бўлмаган, очиқ келган ёки ишора

қилинган ҳадисларнинг барчасини ҳадис манбалари асосида ўрганган;

– “ал-Ҳидоя”даги ҳадисларни жамлаш билан кифояланмасдан, балки уларга доир масалаларни, шунингдек, Бурҳониддин Марғинович мавқуф ҳолда ривоят қилган ҳадисларнинг марфуъсини ва заиф ҳолда келтирилганларининг ундан кўра кучлироғини қўшимча равишда келтириб ўтган;

– ҳанафий мазҳаби далиллари билан чегараланмаган, балки, ҳадис бошқа мазҳаб ҳукмларини далилласада, уни қолдириб кетмасдан барча ҳолатларини баён қилган;

– ҳадис имомларидан ким ўз китобида ҳадисларни келтирганини ва уларни саҳобалардан кимлар ривоят қилганини аниқлаб берган;

– ҳадисларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириб чиққан. Уларнинг саҳиҳ, ҳасан, заифлигини имомларнинг сўзлари билан ёки ўзининг ижтиҳоди билан муҳокама қилган;

– ҳадис илмининг дирият, жарҳ ва таъдил, носих ва мансук каби илмларида сўз юритган;

– Зайлаий асарни ёзишда соф илмий, ўз мазҳабига мутаассиблик қилишдан холи, шунингдек, бошқа мазҳабларни камситмайдиган усулларни қўллаган.

НАТИЖА

Муаллиф ҳадисларни Имом Марғинович “ал-Ҳидоя”да келтирилган тартибда таҳриж қилган. Бир ҳадис “ал-Ҳидоя”нинг қайси бобида келган бўлса, айна ўша боб билан “Насб ар-роя”да келади. Шунга кўра, “Насб ар-роя”да ҳадислар фикҳий боблар тартибида жойлаштирилган дейиш мумкин. Шунингдек, Зайлаий у ҳадисларга “ал-Ҳидоя”да келмаган, ҳанафийлар ёки бошқа мазҳабларнинг ҳукмларини далилловчи ҳадисларни ҳам қўшимча қилган.

Асарнинг афзалликлари кўп бўлиб, аввало у ўзида кўплаб фойда ва нодир маълумотларни қамраган илмий манбадир. Шунингдек, ҳадис илмига қизиқувчилар муайян мавзуга доир бир неча ҳадисларни ушбу китобда жамланган, таҳриж қилинган ва тадқиқ қилинган ҳолида топа олади. Шу сабаб, “Насб ар-роя” кейинги даврда ёзилган бир қанча асарларга асос бўлиб хизмат қилди ҳамда ҳадис илмига доир мавжуд манбалар орасида юқори ўринни эгаллади.

Шунингдек, “Насб ар-роя”нинг мартабаси қай даражада эканини турли мазҳаб уламолари чуқур ўрганганлари, фикҳист, зайл (қўшимча) ва мухтасар ёзганларидан билиб олиш мумкин. Жумладан, Ибн Ҳажар Асқалоний “ад-Дироя фи

тахрижи аҳадиси ал-Ҳидоя” номли асарида “Насб ар-роя”ни мухтасар қилган. Қосим ибн Қутлубуға “Муняту ал-Алмаий фийма фаъти мин таҳрижи аҳадиси ал-Ҳидая ли аз-Зайлаий” номли асарида Зайлаий “(буни) билмадим”, “жуда ғариб” деган ёки кўздан қочирган 187 ҳадисни таҳриж қилган. “Буғяту ал-Алмаий фи таҳрижи аз-Зайлаий” эса Ҳиндистоннинг “ал-Мажлис ал-илмий” уламолари кенгаши тарафидан ёзилган ҳошия. Бундан ташқари, “Насб ар-роя”даги маълумотларни топишни осонлаштирувчи “Найл ал-ғоя” ва “Фихрису аҳадиси ва асари китаби Насб ар-роя” каби замонавий фикҳист асарлар ҳам ёзилган.

“Насб ар-роя” асари Ҳиндистоннинг “ал-Мажлис ал-илмий” тадқиқот маркази ходимлари томонидан нашрга тайёрланиб, 1938 йил Қоҳирадаги “Дор ал-маъмун” нашриётида чоп этилган. Бироқ бу китобда бир қанча хатолар учрайди.

Бугунги куннинг муҳаққиқ олимларидан бири Муҳаммад Аввома бу ҳинд нусхасини чуқур тадқиқ қилиб, унда йўлга қўйилган хатоларни тўғрилаган, асарнинг қўлёзма нусхаларини қидириб топиб уларни қиёсий таҳлил қилган. Китоб 1997 йил Байрутдаги “Муассаса ар-райян” нашриётида чоп этилган.

ХУЛОСА

Зайлаий ҳадис илмида улкан хизматни амалга оширган. Жумладан, келтирилган далилларнинг санадларини, улардаги ровийларнинг жарҳ ва таъдиллини чуқур ўрганиб, далилларнинг саҳиҳлик ва заифлик даражаларини аниқлаб берган. Қисқача айтганда, “Фикҳул ҳадис”ни ривожлантирган. Ҳадисларни мўътабар манбалардан таҳриж қиларкан, уларга усул қоидалари доирасида баҳо берган. Ҳам матн, ҳам санад бўйича тадқиқот олиб бориб, ровийларнинг заифлиги ва ишончлилигини, жарҳ ва таъдиллини ўзининг таъбири билан амалга оширган.

Зайлаий ҳадисларнинг бир неча йўллари билан бир жойда келтиргани, уларга тегишли жарҳ ва таъдил хабарларини баён қилгани, ўзга мазҳабларнинг далилларини ҳам ёритгани, ҳанафий мазҳабига доир ҳадисларни бир ерда жамлагани туфайли “Насб ар-роя” кейинги даврда ёзилган бир қанча асарларга асос бўлиб хизмат қилди ҳамда ҳадис илмига доир мавжуд манбалар орасида юқори ўринни эгаллади.

“Насб ар-роя” муҳаддислар ва фақиҳлар учун аҳкомул ҳадис борасида мурожаат қилинадиган муҳим асарлардан бири бўлиб, ўз йўналишдаги бошқа манбалардан кўра бунга ҳақлироқдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Nuri Tuğlu. (1996). Abdullah bin Yüsusuf ez-Zeyla'ı ve Nasbu'r-Raye adlı eserindeki hadisciligi. Konya.
2. Абдулмуҳдий Абдулқодир Абдулҳодий. (2012). Туруқу тахриж ал-ҳадис. Қоҳира: Мактабат ал-ийман.
3. И.Х.Аскалоний. (1993). Ад-Дурар ал-каминах. Ҳайдаробод: Дайроту ал-маориф ал-усмания.
4. Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлай. (1997). Насб ар-роя ли аҳадиси ал-Ҳидоя. Байрут: Муассасату ар-райян.
5. Закария бинту Аҳмад ибн Муҳаммад Закарий. (36/8). Минҳажу ал-Имам аз-Зайлай фи илми ар-рижал ва аҳвалиҳим фи китаби Насб ар-роя. Маҷаллату куллия ад-дирасату ал-исламия ва ал-аробия ли ал-банати би ал-Искандария.
6. Қосим Ибн Қутлубуғо. (1950). Муняту ал-Алмай. Қоҳира: Матбаат ас-садат.
7. Зоҳид Кавсарий. (1949). Насб ар-роя муқаддимаси. Қоҳира: Матбаат ал-анвор.
8. Абдулҳай Лакнавий. (1906). Фавоил ал-баҳийя. Қоҳира: Матбаат ас-са' да.
9. Бурхонуддин Марғиноний. (2020). Ҳидоя шарҳ бидоятил мубтади. Тошкент: Hilol-Nashr.
10. Жалолиддин Суютий. (1967). Ҳусн ал-муҳодара. Дор ихя ал-кутуб ал-аробия.
11. Жалолиддин Суютий. (1983). Табақот ал-хуффоқ. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
12. Маҳмуд Таҳхон. (1979). Усул ат-тахриж. Байрут: Дор ал-Қуръан ал-карим.
13. Тошқўпризода. (1961). Табақоту ал-фуқаҳо. Мосул: Матбаату аз-захро ал-ҳадисия.
14. Маҳмуд Ҳасаний. (2000). Ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.
15. Ш.М.Юсуф. (2019). Фикҳий йўналиш ва китоблар. Тошкент: Hilol-Nashr.

REFERENCES

1. Nuri Tughlu. (1996). Abdullah bin Yusuf az-Zaylai and his hadith studies in Nasb ar-Raya. Konya.
2. Abdulmuḥdi Abdulkadir Abdulhadi. (2012). Turuqu tahrir al-hadith. Cairo: Maktabat al-Iman.
3. I.H.Askalani. (1993). Ad-Durar al-kaaminah. Hyderabad: Dairatu al-maarif al-usmaniya.
4. Jamaluddin Abdullah ibn Yusuf Zailai. (1997). Nasb ar-Raya li ahadith al-Hidaya. Beirut: Institution Ar-Rayyan.
5. Zakaria bintu Ahmad ibn Muhammad Zakari. (36/8). Manhaju al-Imam az-Zaylai fi ilmi ar-rijal wa ahwalihim fi kitabi Nasb ar-raya. Majallatu kulliya ad-dirasatu al-Islamiya wa al-Arabiya li al-banati bi al-Iskandariya.
6. Kasim Ibn Qutlub. (1950). Munyatu al-Almai. Cairo: Matbaat al-saadat.
7. Zahid Kawsari. (1949). Introduction of Nasb ar-raya. Cairo: Matbaat al-Anwar.

8. Abdulhai Lucknawi. (1906). Fawaid al-Bahiyyah. Cairo: Matbaat al-Sa' da.
9. Burhanuddin Marghinani. (2020). Hidayah Sharh Bidayah Al-Mubtadi. Tashkent: Hilal-Nashr.
10. Jalaluddin Suyuti. (1967). Husn al-Muhadara. Dar ihya al-kutub al-arabiya.
11. Jalaluddin Suyuti. (1983). Tabaqat al-huffaz. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
12. Mahmoud Tahkhan. (1979). Usul at-tahrir. Beirut: Dar al-Qur'an al-Karim.
13. Tashkuprizada. (1961). Tabaqat al-fuqaha. Mawsil: Matbaatu az-zahra al-hadithiyya.
14. Mahmoud Hasani. (2000). Al-Hidaya by Marghinani and its commentaries. Tashkent: Publishing House named after A.Qadiri.
15. Sh.M.Yusuf. (2019). Books and Directions in Fiqh. Tashkent: Hilal-Nashr.

